2016 йилги Нобель мукофоти совриндори, америкали қўшиқи ва шоир Боб Дилан айтадики: “Боб Дилан ҳамиша мавжуд эди, ҳатто мен дунёга келишимдан один ҳам. Бу ролни ижро эттаётганим сабаби, эҳтимол, ҳаммадан кўра кўпроқ унга мос келганимдадир”.

РЕПЕРТУАР:
КАНДАЙ МАВЗУЛАР ЕТАКЧИ?

Юқорида давлатимиз томонидан театр санъатини ривожлантириша қанчалик катта ва жиддий этибон каратилиёттани айтиб ўтилиди. Ҳуш, театрларимизда мана шу этибонга ярашса ҳалиқимиз кутаётган асарлар саҳнапаштирилаетпими? Спектаклларда бугунги кун нафаси сезиладими, одамларни ўйлантирайтган, ҳаяконга солаётган жиддий ижтимоӣ муммомлар саҳнада ўз аксионитими?

Дунёда етук санъаткорлар театр моделини, таркиби замонавий асосда қайта тузишга интилаётган бир пайтда, бизда ахвол қандай? Янгиликка интилиш, томошабин этибонини тортадиган ноанъянавий ёндашувлар, изланишлар борми?

Давлат ва жамият театрдан ўзи кутаётган нарсанси олиятнинг? Ахвол: “Мева берармикан, деб тол экибман – мева бермади”, қабилида эмасми?

Кўччилик таникли адаб Собир Абдулланинг “Тоҳир ва Зухра” драмаси узоқ йиллар саҳнадан тушмаганин, ўша асарга ёзилган “Тўйлар муборак” ашулуша ҳозирга қадар тўйларда келинни кутиб олишида ижро этиб келинадиган асосий қўшиқ саналишини яхши билади. Ёки Ўйғун ва Иззат Султон ҳаммуалифларига яратилган “Алишер Навоий” спектаклидаги монологларни юзлаб одамлар ёддан айтиб юрганини кўрганимиз. Бундук мисоллариня кўплаб келтириш мумкин.

Юқорида иккى йилдан бўён Мудофаа, Маданият вазирларини, єзувчилар ушо-

маси, Республика Маънавият ва матрифат маркази ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигига ўтказиб келинаётган “Ватан манзумаси” номли театрлапаштирилган адабий-маътифий кеча ўн минглаб томошабинни камраб, кенг жамоатчилик ўртасида кучли резонанс ўйғотаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

“Ўзбек театр санъати қасринга ўхшаш йўқ мэймори Етим Бобоҷонов шогирдларига ҳамиша саҳнага ёғлиз чиқма, деб таъкидлар экан, ўйнаётган ролинг билан бирга юр, уни кузатиб, терғаб бор, дер экан. Бу таълимда катта маъно бор” деб ёзган эди атоқли шоир Туроб Тўла.

Бугун театрларимизда жамият хаётидан ўрин оладиган, одамларнинг типи ва дилидан ўрин олган мана шундай асарлар, образлар, спектакллардан лавҳалар, диалоглар, монологлар, кўшилар борми?

Келинг, юқоридаги саволларга жавоб тоши учун санъатларимизда 2024 йилда саҳнапаштирилган асарларнинг номлари ва муаллифлари рўйхатига назар ташлайлик.

АСАРЛАР:

“Имом ал-Бухорий ва Суҳарно”, “Макр ва муҳаббат”, “Тоғ булбулининг сўнгги хониши”, “Хонумза”, “Қалвак маҳзум”, “Бури ошпаз”, “Тақдир ошиёни”, “Куолнинг армони”, “Алментчи чол”, “Истеъдод кудрати”, “Бальзаминовнинг ўйланши”, “Бобур. Юлдузли тунлар”, “Латта қўғирчок”, “Сен гулсан, жоним”, “Осмон ҳамма гапни эшитди”, “Муҳаббат наволари”, “Бахор согинчи”, “Лазги”, “Лайла ва Мажнун”, “Пушкин тирик”, “Ажаб ҳангомалар”, “Олишув”, “Казбек: қаҳрамон қисмати”, “Юсуфхон қизикин эслаб”, “Ишқ масали”, “Бехат отилган ўқ”, “Танҳо юлдуз”, “Тўда”, “Махтумқули”, “Алдагани аёл яхши”, “Лазги афсонаси”, “Монолог”, “Кўчки”, “Осмондан танга ёқкан кун”, “Овсар”, “Вертолёт”, “Руҳлар исени”, “Чордарвеш”, “Ревизор”, “Ажиниёз”, “Оролим менинг”, “Жар”, “Жумагул”, “Автоҳолоқат”, “Бузруқ ҳақида афсона”, “Учбурчак”, “Оққуш қўшиғи”, “Кулгу академияси”, “Осмоннинг эгаси бор”, “Чехов ҳазиллари”, “Она”, “Хазилкаш шоҳ”, “Зебуннисо”, “Альвидо, болалик!”, “Сабъай саёр”, “Садоқат”, “Икки бойга бир малай”, “Ер барбирий айланаверади”, “Сенга интизорман”, “Бир кунлиғи бахт”, “Боғласанғиз боғланай”, “Ишлагандай бўйлайлик”, “Танҳо қайик”, “Ромео ва Жулъетта”, “Турқистон болалари”, “Кичик фоъзи”, “Севги сабаби”, “Жадидлар. Сўнгги кунлар”, “Майсаранинг иши”, “Аршин мол олан”, “Ўйдаги гап кўчада”, “Дилдор”, “Оқибат”, “Адвокатлик осоними?”, “Алишербек ва Ҳусайн”, “Шоир қалби”, “Муқаддас бахор”, “Евгений Онегин”, “Скапенинг найранглари”, “Чўлпон”, “Биринчи қалдирғоч” (“Маъсума”), “Кўнгил ишқ истайди”, “Кекса хоним ва ўғри”, “Давлат болалари”, “Муҳаббатга ўйғирлган умр”...

АЙНИ ВАҚТДА,

2024 йилда ўзи томошабинлар учун 60 дан зиёд спектакль яратилиган. Улар орасида “Буқо Беруний”, “Темурбекнинг болалиги”, “Али Күшчи”, “Кичкина шаҳзода”, “Мен учувчи бўламан”, “Билимдонлар масканидан мўъказилар”, “Сөхрэли белгилар мамлакати”, “Меҳр ила сеҳрланган жойи”, “Она табиат ва жаноб Метал”, “Нонни босган қизалок” сингари асарлар муваффақияти саҳнапаштирилган, болаларнинг онгу дунёкарашини ўстирадиган спектакллар сифатида ётироф этилган.

САҲНАНИ СЎЗ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРИДИ
Бу сўзнинг боши эса афишида, спектакль номида оқи этади. Сарлавҳа – ярим асар, деган гаплар ҳам бор. Аксар ҳолларда сарлавҳаси, яъни номига қараб асар мазмунини билиш, ҳеч бўлмаса, тахмин қилиш мумкин.

Юқорида бир йил давомида ётироф этибониша саҳнапаштирилган асосий асарлар рўйхати келтирилди (рўйхатга кирмаган спектакллар бўлиши мумкин).

Энди бу рўйхатни яна бир марта жиддий таҳлил қилиб чиқинг. Сизни қизиқтирган, боришиниз ёки фарзандларнингизга тавсия қилишингиз мумкин бўлган асарлар номини беlegilan.

Айтинг-чи, нечта асарни белгиладингиз? Белгилаганингиз белгиламаганларидан кўпими – озими?

Энди ушбу асарларнинг муаллифларини келтириб ўтамиш. Ўйлаймизки, бу рўйхати ҳам театрларимиз репертуари ҳақида яхшигина таассустур.

Лекин яна савол тугилади. Мана шундай асарлар нима учун оммалаштирилмасдан, битта саҳнанинг ўзида қолиб кетади?

Мисол учун, “Дийдор” ёшлар экспрементал театр-студиясида кўйилган “Автоҳолоқат”

ўзингиз билган ёки сизни иходи қизиқтириши мумкин бўлган муаллифларни белгилаб, шу асосда таҳлил қилиб чиқиши таклиф этамиш.

ХОРИЖИЙ МУАЛЛИФЛАР:

В.Шекснір, К.Гольдлони, Ф.Шиллер, Х.Андерсен, Мольер, А.Сент-Экзюпери, Г.Гауптман, У.Гібсон, Н.Гарнет, Г.Андерсен, Ақа-ука Гриммлар (иккита асари саҳнапаштирилган) Г.Маркес, Ж.Кокто, Т.Уильямс, Ф.Дюреннматт, Ф.Аррабаль, Ж.Лада, А.Лингерд, Х.Стойчев, А.Пушкин (иккита асар), Н.Гоголь, П.Чайковский, А.Картава, А.Куприн, Й.Селезнова, Г.Павловский, С.Маршак (иккита асар), М.Зощенко, А.Чехов (иккита асар), М.Кузьмин, А.Рибников, Т.Жўхануғли (иккита асар), Г.Горин, А.Островский, С.Аксаков, О.Михайлова, И.Стравинский, В.Савин, М.Личковская, К.Димонов, А.Метелёва, Л.Лопейска, Г.Кручкова, Й.Сперанский, М.Долоко, Л.Ионов, А.Зайцев, Р.Ҳамроҳ, К.Митани, Нгуен Динь Тхи, А.Файзий, А.Сагерели, М.Байжиев (иккита асар), С.Раев, Д.Филиппович, Т.Ҳаким, У.Гаджибеков, Н.Гарнет, А.Доган...

МАҲАЛЛИЙ МУАЛЛИФЛАР:

А.Авлоний, А.Кодирий, Х.Х.Ниёзий, М.Ашрафий, Ҳ.Олимжон, С.Аҳмад, П.Қодиров, Э.Воҳидов, Т.Қайиқбергенов, Т.Малик, Ш.Бошбеков, Э.Аззам, У.Азим, И.Мирзо, Ж.Махмуд, Ш.Ризаев, Ҳ.Муҳаммад, Ҳ.Расул (учта асари саҳнапаштирилган), О.Салимов, Н.Қобул, Ҳ.Қорқобил (учта асар), Ҳ.Хушвактov, А.Кабулов, М.Эргашева, Р.Фарҳодий, Ҳ.Сиддик, Р.Муҳаммаджонов, Н.Курбонова, К.Турдиева, Т.Ҳожиев (иккита асар), Р.Абдураҳмонова, Р.Алланазаров, Н.Аббоссон (учта асар), Қ.Муҳаммадизро, О.Тоқибоева, Т.Жабборов, Д.Ҳакбердиеv, Г.Матёкубова (иккита асар), Э.Норсафар, И.Ўрмон, С.Одилов, Ҳ.Этамбердиев, Б.Матнӣзоз, Қ.Болтаев, Н.Абдураҳмонов, О.Якубов, У.Отажонов, Ш.Файзулаев, М.Полвонова, Н.Генжебеков, У.Ўсаров (учта асар), Ж.Махмудов, Л.Наврӯзов, Г.Нажидова, Ҳ.Охунов, Ф.Мирзабаев, А.Ниёзов, Н.Муҳаммединов, Қ.Заретдинов, К.Раҳмонов, Г.Раҳмонова, Н.Ҳабибулаев, С.Сироқидаров, Т.Рахматулаев, Г.Истамова, А.Хуррамов, М.Рўзиев, Н.Казакова, Ҳ.Зияєва, М.Ашурова, М.Мўминова, Ш.Ибрагимов, М.Искандарова, Ш.Маҳкамов, К.Дилмонов, И.Содиков, А.Жаксимуратова, А.Рахат, Н.Рахимов, Н.Маҳкамова, А.Холмўминов, Ш.Файзулаев...

Шунингдек, ўзбек ҳақ эртаклари асосда бир неча спектакль саҳнапаштирилган.

БУ РЎЙХАТ

шунчаки келтирилмади. Ўйлаймизки, спектаклнинг номи билан танишган ўқувчида 2024 йилда театрларимизда саҳнапаштирилган асарларни ҳақидаги дастлабки таассуротлар пайдо бўлади. Қолаверса, муаллифлар рўйхати ушбу таассуротларни янада тўлдиради.

Рўйхатга кўра, барча театрлар репертуарлари гоявий-бадиин жиҳатдан талаб дарзасиди, деб бўлмайди. Улар орасида томошабинни ўйлантирадиган, мушоҳадага чорлайдиган, унинг маънавий оламини юқсанлиши келтирилдиган асарлар билан бир категорда, миший мавзулардаги, осонигина қабул қилинадиган ёки енгил-елли кулигига асосланган асарлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

(Бу ўринда 2024 йилдан аввал саҳнапаштирилган, лекин намойшини давом этадиган асарлар келтирилмагананинни эслатиб ўтамиш.)

Машхур адаби Франц Кафка айтганидек, “театр ҳаётга таъсири кўрсатмоғи” учун кундамилик турмушдан кучлирор, жўшқинро бўлмоғи лозим. Ўқ узишда мўлжал доими нишондан юқориридан оғизнади.

АЛБАТТА,

утган йил давомида саҳнага кўйилган спектакллар орасида, масалан, “Лаз



ХИҚОЯ

...Бунга дудланган балиқнинг алоқаси йўқдир – кеча кечкүрун еса бир туор еб, устидан ярим стакан қайнаған сув ичди, холос. Абдимумин роса манзират киласам ўзини тийди: имтиҳондан ўтиб олайлик, кейин; балки пиво билан кўйиб урармиз. Буни эшитиб кўзлари чақнаб кетган ҳамхонаси лаб-лунжини йигиштиролмай қолди; афтидан, пиво деса ўзини томдан ташлайдиганлардан. Аммо шу болага тан бериш керак: энсангни қотирганча, пиёла-пиёла чойни ҳурриятлиб итган кўйиб телевизор қаршииси тоңгаг қадар қимрламай ўтириб чиқади; бэзсан, эрталаб бадрағонага боришини унтиб кўйса ё эринса ҳам кун бўйи ўша томонга қадам босмай юраверади... Балки нонушта чоги ичган бир пиёла чойи сабабдир. Бироқ тонг сахарда бирор нима эмаса бўлмасди, ахир шу билан тушгача оғизга ушок ҳам олопламида.

Хўш, институттага иккى автобус алмашиб, бир соатда етиб кеди. Лекин кабул комиссиясидагиларнинг "Соат оптида шу ерда бўлишларин шарт!" деб ваҳима қилганлари, унинг бекатдан бу ёгига "Кечикиб қолмайда ишиклиб!" дега обенин кўлга олиб чопганлари бекор экан: айтилган вақтдан чорак соат ўтиб кетган бўлишига қарамасдан, ҳали одам кам эди.

Нихоят соат еттидан бошлап абитуриентларни сафга тиза бошлади. Назир гурухи рақами ёзилган тахтанинни кутариб олган новча қиз ортига келиб турди.

Бир соатлар ичida гуруҳдагиларнинг тахминан ярмидан кўргири гиганди. Узун бўйли, енгли кўк кўйлак кийиб, бўйнинг суратли бейжик осиб олган, интича мўйловли асабий домла тинмай на гурухдан бу гурухга ўтар, болалар сонини текшириш, давоматдан кўнгли тўлмәтган бўлса керакки нуқул уҳ тортиб, норози тарзда тўнгиллагани-тўнгиллаган эди. Домла ёндан шошиб ўтавётган маҳал Назир унинг бейхигига кўз ташлаб, катта ҳарфларда ёзилган фамилияни ўқишига улгурди: "Джаббаров". Демак, Жабборов.

Тўқизга йигирма дақиқача қолганда гурухларни иккарга киритиш бошланди. Иккى соатдан ортикроқ тик тириб, ёқлари, бели увишиб-оғриб кетган бўлсада, ҳали Назирнинг кайфияти кўтариини эди. Илло, у кайта-кайта сўраб-суршириб, аник билиб олган: ҳозир биринчи текширувдан ўтиб дарвозадан киришади, кейин, иккинчи текширувдан ва хоналарга – бу жараённи бошдан ўтказиб бўлган талабалар "аудиторияларга" дейишарди оғизларни тўлдиришиб – олиб кириш олдидан тез анави жойга ўтиб келишига изн беришади.

Бироқ... камбағални тұяниг үстида ҳам ит қопади, деганлар рост шекили: айнан Назирнинг гурухидан кимдир кечикаётган эди. Ҳамма кириб кетди, фақат Жабборовни баттар ғазаблантирган кўйи шу гурухда битта абитуриент етішмасди.

Ахийри узоқ кутилган абитуриент чопиб етиб келди ва кутириб кетган, уриб юборгудай важоҳатдаги домла қаршииси зўр берисиб ўзини оқлашта тушди: такси, "пробка"... Бироқ Жабборов унинг баҳона-сабабларини эшитиб ҳам ўтишмасдан, абитуриентларни шиддат билан ичкарига бошлади.

Гурух аъзолари иккинчи текшируvдан ўтиб, бино кириш эшигига яқинлашиши да ва ашунда Назир даҳшат билан дамо-дам соатига қараётган Жабборов ҳаммани бирданга имтиҳон ўтадиган бинога олиб кириб кетаётганини кўрди. Ваҳоланки... Бунга дудланган балиқнинг алоқаси йўқдир – кечкүрун еса бир туор еб, устидан ярим стакан қайнаған сув ичди, холос. Эрталабки бир пиёла чой... Балки ҳаяжонланаётгани сабабдир... Йўқ, буна шамоллаган чап бўйраги айборд. Мана, ҳозирдан ачишиб оғрияпти. Ўша, ўтган қаҳратон қиши акаси билан далага яхоб суви кўйишига чиққанида куни билан титраб-қалтираб юровериб, сувукка оғдириб кўйган бўйраги. Инчига бир қошиқ суюқлик тушса бас, тўғридан-тўғри ташқарига чиқарип юборишга шошадиган бўйраги...

Хайрият, бадқовоқ Жабборов биринчи қават ўйлаги бошида тўхтади, яна бир бор соатига қаради, сўнг, йўлдан кўз узмай эълон килди:

– Беш минут кутамиз. Жим!

Холбуки, шусиз ҳам ҳамма нағасини ичига ютганди.

Беш дақика, уч юз сония... Кўн нарсага улгурса бўлади, кўн нарсага... Назир бу сониялар ўзи учун сўнгти имконият эканлигини хис қилди. Кейин, хонага кириб кетишиша, уч соат ташқарига кўйишмас экан. Уч соат-а...

Ваҳимадан дир-дир титрай бошлаган Назир бир қадам олдинга чиқди.

– Домла...

Жабборов ўтирилди.

– Нима дейсан? – деди у ўшқириб.

– Мен... бориб келсам...

– А? Қаёқка? Катта холангнинг уйигами?

Абитуриентлар сафида пикрларган кулиг овоздлари эшитилди, аммо Назир ҳозир бунга эътибор берадиган ахволда эмасди.

– Ҳожатхона...

Жабборов бужмайиб қолган абитуриентга қаршииси да ғадор халқ душмани тургандай адоксиз газаб ва нафрат билан, тириклийн ғажиб ташлайдиган ўқрайиб қараб, бакирди:

– А? Нима деб мингирляпсан? Бундай ўзбекчалаб гапир!

Айтган сўзимни тушунмади деб ўйлаган Назир жон алпозда:

– Туалет... – деди.

– Шу пайт қистаб қолдими? – Жабборов ғижиниб атрофга аланглади: – Ўтиб кетибизм-ку... Бир камим энди сенларнинг орқалариндан памперс кўтариб юришим қуловди. Безразмеридан...

Домлага ёқмоқ қасидами кимлардир зўр ҳикмат эшитгандай ошкор хушомадли ҳи-ҳилашди.

– Менга ҳара, бола! – ўдагайлади Жабборов. – Тест "Эс-332" хонада бўлади. Ўқдинги?

Ҳеч нарсани уқмаган бўлса-да, Назир шошиб бош иради:

Жабборов таъкидлади:

– "С" эмас, "эс". Эслаб қолган бўлсанг мингга кўйиб қаватга югар! Ана зина. Кейин учуб учинчи қаватга туш. "Эс-332" хонага. Марш!

Назир уч ҳатлашда зинапояга етиб келди ва иккича

пиллапояни бир қилиб сақраган кўйи юқорига чопди. Иккинчи қават... учинчи... тўртнинчи... ва ниҳоят... Аммо бу нимаси? Бино тўрт қаватли эди. Юқорига олиб чиқкан зина берк эшикка тақалиб тугарди; ён томондаги кир деразадан том кўриниб туриби.

Назир зина тутқинига беҳол суняниб қолди. Нахотки... нахотки доима адашган бўлса...

Шу сонияда... Назирнинг димогига пешоб иси урилганда бўлди. Нахотки... Йигит шошиб атрофга алланглади. Ҳеч ким кўринмади. Улгуради... Назир кўлини шими занжирига юборган маҳал бирдан тўхтаб қолди. Йўғ-е... Қишлоқда минг қистаса ҳам одамларнинг уйи ёнида тутул, томорқасида ҳам бу ишни қилмаган банда шундай жойда... Үқийман деб келиб... олий маълумот оламан, маданиятли одам бўлмаман деб келиб... Домла адашган, тўртнинига юнга бешини деб юборган...

Назир пастга отилди ва тўртнинчи қаватнинг кимасиз узун йўлни бўйлаб йўргалаб кетди. Эшиклар... эшиклар... аммо биронтасида ўша беғли йўк...

Адои тамом бўлган Назир орқага чопди ва учинчи қаватга тушди-ю, йўлакда ҳеч ким кўринмагач, биринчи дуч келган эшик рақамига қаради: "С-302". Унда "эс" и қаерда экан? Ўнгдамикан, чандамикан?

Назир "эс" ҳарфли ҳонани қидириб кетди. Аксига олиб, йигитни баттар ваҳимага солган кўйи ҳамма эшикларда факат "с" ва яна "с" эди. Тополмаса нима қилади? Ё шунинг ўзи "эс" мikan?.. Йўғ-е, ахир, у ўқиган алифбода "с" ҳарфи "s" билан белгиланарди-ку... Де-

ни тақиди ҳал бўлаётгандай узоқ, жуда узоқ ўйланниб тургандан сўнг маҳсус қутидаги конвертлардан бирини шошмасдан сурғуб олди. Шундан кейинги тест са-воллари ёзилган қофозлар тарқатили.

Саволларни очиб ҳам кўрмаган Назир кўл кўтарди.

– Нима гап, йигитча? – меҳрибонлик билан сўради оқсоқ доима.

Ҳижжалотдан юзининг лавлагиси чиқиб кетган Назир ўрнидан турди.

– Анави... – у мақсадини тушунтириш учун чиройли-рок, адабийроқ сўз қидириб каловланди: – мен... шамоллап келсам дегандим...

Ҳа, Назир айнан шундай деди. Зоро, у ўтган йили учарига келган бир шаҳарлик меҳмон шундай деганини ўз қулоги билан эшитганди.

Домла Назирга дикқат билан тикилди:

– Яъни, нима демоқнисиз, марҳамат қилиб аниқроқ айтсангиз.

Фикрини тушунтиrolмаганидан баттар ўсал бўлган Назир очиғига кўчди:


– Ҳожатхона бориб келсам...

Кимлардир яна пиқирлаб кулиб юбориши, қизлардан бирни юзини чимиди, "Вой ўйай..." деб қаттиқ шивирлади, шу қадар қаттиқ шивирлади, уни бутун аудитория эшитди.

Оқсоқ доима ўрнидан турди.

– Йигитча! – деди у айтётгандай сўзлари ҳақлигига заррача ҳам шубҳа қодирмайдиган ўта жиддий оҳанг-

ЭС



Суратни сунъий интеллект чизган.

мак, ё ҳақиқатан "эс" ё бўлмаса "е" ни топиши керак...

Ахийри ҳозиргина ўзи ўтган йўлак адогидан пилди-раб кетаётгандай домлага кўзи тушган Назир нажот фарштасига пешвуз чиқишига шошгандай шу томонга юргуди.

– Ҳой бола, ҳалим юрибсанни кар кўйдай тенти-раб? – описданоқ дўйнди Жабборов. – Мен сенга "Эс-332" хонага кел дегандим-ку. "С" эмас, "эс"? "Эс"? Ўзбек-чалаптадим-ку, галвар!

Йигит вазияти тушунтириш учун оғиз жуфтлади, аммо улгурмади: домла унинг билагидан маҳкам чан-гаплаб олиб, диконглатиб судраб кетди.

– Барibir қишлоқлигинга борасан-да! – бутун йўлакни бўшига кўтариб ўшқириб Жабборов. – Сендейларга ўқиши ҳам хайф! Институт ҳам хайф!

Назир то ўзини ўнглаб, бир оғиз гапиргунга қадар домла "С-332" деб ёзилган эшикни очди ва йигитни ичкарига итариб киритиб юбораркан:

– Шу группадан! – деди ва лол-караҳт ахволдаги абитуриент ортидан эшикни тарсиллатиб ёди.

Доска ёнида ўтирган уч домладан бири Назирдан фамилиясини сурди, сўнг, қоғозига қараб текшириб кўргади, эннинг жонига кўрсатди. Назир маҳтоди одамдай гандирлаклаб бориб ўтириди.

Қолгани тартиб бўйича кечди. Қабариқ кўзойнакли оқсоқ домла имтиҳон вақарларини тўлдириш тартиби-ни узоқ, эринмасдан тушунтириди. Оёқларини бир-бира-га қисиб ўтирган Назир бу орада анави жойга камиди тўрт маротаба бориб-келишига улгуришини чамаларди. Ё ҳалим руҳсат сўраб кўрсамикин... Йўғ-е, ўзи кечикиб келган бўлса...

Бир домланинг тақлифи билан ҳовлида гурух рақами ёзилган тахтачани кўтариб турган новча қиз шошилмасдан, тошбақа қадам билан доска ёнига чиқди ва баай-

да. – Мен етий йилдан бери тест имтиҳонларида қатнашаман. Бу йиллар ичida сизга ўшшаган муттаҳам ўйинчиларнинг, ҳеч-хе, қанчасини кўрмадим, қандай мугомбилирларни гувоҳ бўлмадим, айтаверсан бир китоб бўлади. Лекин айтиб қўйя ва бу гапимни кўлғингизга ҳам етказинг: сизга ўшшаганлар шоҳида кириши!

Бариси кетиб юриши! Буни қандай өплагансизлар, билмайман, аммо бошни нарсани аниқ билди туриман: шеригингиз ҳозир ҳожатхона



МУЛОҲАЗА

...Университетда таҳсил олаётган жиянимнинг савол аралаш сўргани ажаблантириди: “Бу.. номлари абдайлаштирилганларнинг ҳаммаси ҳам адодатли одамлар эмас экан-ку!”

Гап ким ҳақида кетаётгани билан қизиқдим. У кўл телефонидаги бир лавҳани кўрсатди. Сарлавҳасига кўз ташладим: “Оқ олтин” қуллари. Пахта мафияси”. Лавҳага икки тарихий шахс сурати илова қилинган – Шароф Рашидов ва Аҳмаджон Одилов. Қизиқиб, беш-олти дақиқа кузатдим ва ҳафсалам пир бўлди. Жиянимга асл ҳақиқат қаерда эканлиги бўйича бироз маъруза ўқишимга туғри келди.

Ижтимоий тармоқларни “ўргимчак уяси”га ўхшатиши. Табиатнинг митти жонивори – ўргимчак қорин қайғусида ошқозонида ишлаб чиқардиган суюқликни ўта нозик илларга айлантириб, ундан турли ва чалкаш ҳандасавий тўрлар тўқиди ҳамда бир бурчагида ногоҳ тўрга тушадиган ўлжани пойлаб ётади.

Ўлжаям узоқ куттирмайди.

Мажозий ҳолатни бугун турли ижтимоий тармоқларда ёйинпангаётган хабар, лавҳа, ток-шоу, блог ва шунга ўхшаш ахборий чиқишиларда кўрамиз. Бу ўринда “ўргимчак” ро-лида бирор қимса. Унинг “улжа”си эса онги шаклланмаган, дунёкараши “Тўйтепадан нарига ўтмаган” ҳар ким.

Интернет фойдаланувчиларини энг кўп ўзига оғидирадиган (манипуляция) киладиган “YouTube” хисобланади. Турлича сиёсий дунёкараш, бузгучилик, фахш, диний экстремизм мазмунидаги жонли ёйинлар билан тўлиб-тошган “YouTube”га бир назар ташласангиз, мисли чангзорга кириб қолгандек бўласиз. Хорижий тилларга “тиши ўтмайдиган” томошабинлар қатлами одатда русча ва ўзбекча контентларга киришади. Айнан ушбу контентларда ги айрим лавҳалар кишини сергак тортириди. Бундай соҳтагарчилик, ёлғонларни тарқатишдан мақсад не? Уларнинг ортида кимлар – қайси мағкуравий кучлар турибди?

Жияним шуурини бузишга уринган юқорида лавҳа айнан “YouTube”да тарқалган (Шу ўринда мазкур ижтимоий тармоқда жуда кўплаб фойдали контентлар, сўнгги вақтларда ўзбек сегментида тарих, адабиёт, ижтимоий ҳаёт борасида мазмунли, тўлаконли кўрсатувлар борлигини ҳам инкор этиб бўйлайди).

“YouTube”га кириб, “излаш” хизматига икки ёки учта сўздан иборат сўровнома ёзинг. Мисол учун, “Пахта иши” ёки “Ўзбеклар иши” деб сўров беринг... Бир зумда шу мазмундаги ўнлаб кўрсатувлар чиқиб келади. Утган асрнинг саксонинчи йиллари иккинчи яримда ҳалқимиз бошидан кечирган сўнгги катагон – “пахта иши” бўйича бир-бирини инкор қилувчи, аксар тухматлардан иборат кўрсатувлар керагидан ортиқ – “ўргимчак тўри”да илашиб...

Йўқ, мустаҳкам ўрнашиб олиб, соддадил одамларни кутиб ётибди. Ўз вақтида далиллар, суд ҳужжатлари билан исботланган ҳақиқатларга бу кўрсатувларда бошқача тўн кийдирилган – собиқ империянинг салкам уч юз миллион аҳолисини арzon кийим-кечак (беланчадги латтадан тортиб кафана қадар) таъминлаган заҳматкаш пах-

Аслида, пахта аталмиш табиат мўъжизаси ҳалқимиз эгнини бузлаш аноссида советлар ўтказган сиёсат “зулм воситаси”га асосланганди. “Деҳқон ёққанда, чўпон ўлганда тинчийд” дейиплиш отасизим ўша даврда ўз мазмунини ўйқотган, деҳқон қора қишида ҳам тиним билмас, аҳоли молхона-ларидан тош қотган чорва гўнгини

ортда қолди – сабоқ мактаби бўлиб шууриимига ўрнаши. Аммо...

Ҳалиям ўша даврдаги шахсларни қоралаш, улар орқали жафоқаш ўзбек деҳқонига қора чаплаш кимга керак булиб қолди? Ўтмиш күлтепаларини қайта ва қайта титкилашдан кимларга наф?

“YouTube” ҳар қандай соҳтагарчиликлар, ёлғонларни ямламай

“YouTube”га киринг!” деб қолди.

Ҳакикатан ҳам ҳозирги қиси фаслида айрим ҳудудларда газ етишмовилиги сабаб вақтича юзага келган муаммоларни пеш қилиб, ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш учун “YouTube”да ёлғонларни сиздираётган кимсалар анчагина. Афсусланарлиси, уларнинг аксари ўзимизнинг қоракзулар. Бирлари аламзада, бирлари қаҷондир юртни ташлаб қочган, яна бирлари дордан қочган томошага ўч қавмидан. Ҳар бир муаммодан фойдаланиб, одамлар кўнглига ғулгула соглиш, уларни босха ўйларга даъва қилиш асосий мақсадларига айланган.

...Якнанда ижтимоий тармоқлардаги тақиқланган каналлар рўйхати ўзлон қилинди. Диний экстремистик, ёлғон маълумотлар тарқатувчи, ғазотга чорловчи каналлар қайсиликлар эканлигини билиш, уларга киришдан (айниқса, ҳали онги тўла шаклланмаган ўшларни) қайтариши ҳар бир ота-онанин бурчи. Шу маънода, бундай огоҳлантиришпар мунтазам бериб борилаёттани жуда аскатади. Айнан шундай сайтларга кириганини учун қонунларимизда жазо белгиланган. Аммо...

Юқорида айтганимиз – кечаги кундаги тарихимизни соҳталаштираётган, ундаги айрим шахсларни ёмонотлиққа чиқариси, бугунги куннингизда кора бўёғ чаплашни максад қилган ижтимоий тармоқлардаги сайтлар, блогларга киришни ҳам қонунан тартибга солиси вақти келмадими? Шу ўйсингдан тармоқларнинг ўшлар онига етказётган зарари диний экстремистик тармоқлардан кам эмас-ку!

Тўғри, юртимизда сўз эркинлиги янги қабул қилинган Конституциямизда кафолатланган. Буни миллионлаб фойдаланувчиларнинг ижтимоий тармоқларга эмин-эркин киришлари, ўз фикр-мулоҳазаларни билдиришларида кўяримиз. Айрим давлатларга ўхшаб бизда қайсиидир ижтимоий тармоқ блокланмагани ҳам бунинг исботи. Қолаверса, юртимизда “жаколатта қарши маърифат” гояси устун, яни ҳар қандай ёлғону бўхтонларга қарши босиқлик билан аниқ тарихий далиллар, кун воқеалари тафсилотлари орқали курашиш.

“YouTube”даги бўхтонона кўрсатувлар таъсирига тушган бандалар чандон кўплиги етмаганидек, давраларда ушбу ёлғон хабар, маълумотни дастурхон килиш ҳоллари учримоқда. Чор атрофда бўйлётган воқеаликдан кўз юмб, кимлардир, қайлардандир тарқатабётган ёлғон хабарлар шу сабаб болалаб бораёт. Бу холатни руҳиятшунослар “инсон онгини манипуляция қилиш” дейишиди. Дехқончасига айтсан, онги заҳарлаш, бўхтонлар билан озиқлантириш. Агарда ижтимоий тармоқларга энг кўп кирадиган қатлам айнан ўшлар эканлигини инобатта олсан, бу яхшиликка эмас. Негаки, аҳоли дониш айтмис: “Ёшпар мияси – уруғ қадалмаган унумдор ер, ёшлигида нима экилса, ўша кўкаради” матали бизни ҳамиша сергак тортириши керак. Шундай эмасми?

Рўзимбой ҲАСАН

Jadid
adabiy, ilmiy-masʼifi va ijtimoiy boshlik gazeta

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ҶЕЗУВЧИЛАР ҮЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЊИВАИЯТ
ВА МА҆РИФАТ МА҆РКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Шаҳриёр Иброҳимов

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифа қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатта олинган.

Кирил ёзувидаги адади – 7 567
Лотин ёзувидаги адади – 12 564
Медиа кузатувчилар – 19 271

Буюрта Г – 139

Ҳажми: 4 босма табоқ, A2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтохур tumani,
Навоий кўчаси, 69-й

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetas@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-й.

Босишига топшириш вақти: 21:00

Босишига топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

ДИҚКАТ, ТАНЛОВ!

ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА И҆КЛИМ ЎЗГАРИШИ
ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР ҮЮШМАСИ2025 йил – “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” муносабати билан
ижодкорлар ўртасида “Онажоним – табиат” мавзусида ижодий ишлар
танловини ўзлон қилади.

Танловга Янги Ўзбекистонда табиий ресурслардан оқилюна фойдаланиш, уларни қайта тикилаш ва инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини олиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаштираш соҳасида амалга оширилаётган испоҳотлар, эркин ва фаровон юртда баркамол авлодни тарбиялаш, ҳалқимизда она Ватанини, унинг неъматларини асраб-авайлаш туййусини кучайтириши, аждодларимиздан мерос ҳаво, ер ва ер ости бойларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрашдек милий қадриятларимизни, ижтимоий ҳаётдаги тарбиялаштиришларни таъсирига салбий таъсирини олиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаштираш соҳасида амалга оширилаётган испоҳотлар, эркин ва фаровон юртда баркамол авлодни тарбиялаш, ҳалқимизда она Ватанини, унинг неъматларини асраб-авайлаш туййусини кучайтириши, аждодларимиздан мерос ҳаво, ер ва ер ости бойларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрашдек милий қадриятларимизни, ижтимоий ҳаётдаги тарбиялаштиришларни таъсирига салбий таъсирини олиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаштираш соҳасида амалга оширилаётган испоҳотлар, эркин ва фаровон юртда баркамол авлодни тарбиялаш, ҳалқимизда она Ватанини, унинг неъматларини асраб-авайлаш туййусини кучайтириши, аждодларимиздан мерос ҳаво, ер ва ер ости бойларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрашдек милий қадриятларимизни, ижтимоий ҳаётдаги тарбиялаштиришларни таъсирига салбий таъсирини олиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаштираш соҳасида амалга оширилаётган испоҳотлар, эркин ва фаровон юртда баркамол авлодни тарбиялаш, ҳалқимизда она Ватанини, унинг неъматларини асраб-авайлаш туййусини кучайтириши, аждодларимиздан мерос ҳаво, ер ва ер ости бойларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрашдек милий қадриятларимизни, ижтимоий ҳаётдаги тарбиялаштиришларни таъсирига салбий таъсирини олиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаштираш соҳасида амалга оширилаётган испоҳотлар, эркин ва фаровон юртда баркамол авлодни тарбиялаш, ҳалқимизда она Ватанини, унинг неъматларини асраб-авайлаш туййусини кучайтириши, аждодларимиздан мерос ҳаво, ер ва ер ости бойларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрашдек милий қадриятларимизни